

Mustahkam oila – yurt tayanchi

OILA DAVRASIDA

№ 28
(426)
30-iyul
payshanba

www.od-press.uz

Ijtimoiy-siyosiy-ma'rifiy gazeta

Gazeta 2012-yil may oyidan chiqa boshlagan.



«ХАЛҚ МАШИНА»СИ

халқ чўнтагига муносибми?

2-бет

ЭФИР УЧУН ЭҲСОНЛАР

асл башарани кўрсатадиган ойна бўляпти...

4-бет



ҲАЙИТ КУНЛАРИДАГИ

АМАЛЛАР

Карантин уларга монелик қилмайдими?

3-бет



КЕСИЛГАН «ҚАНОТ»

Фарзандингиз келажагини барбод қилади.

6-бет

ОСОЙИШТАЛИКДАГИ

УРУШЛАР

Бизнинг ўрнимиз қерда?

6-бет



КОРОНАВИРУСНИНГ

шамоллашдан фарқи шундаки...

7-бет

Айрим «хонанда»лар қачонгача мўридан сув келишига одамларни ишонтиришга уринишади?..

ОФИЗ ЮЗДАГИ ИИРТИҚ ЭМАС

5-бет

«Оила даврасида» газетасига

ОБУНА БЎЛДИНГИЗМИ?

ШОШИЛИНГ!

2020 йил учун давом
ОБУНА ЭТМОҚДА

Обуна индекси – 193

uzkitob.uz

«O'ZDAVKITOBSAVDOTA'MINOTI»

Манзил: Тошкент шаҳар Навоий кўчаси 30-уй
Tel.: (+998 71) 244-19-65 (+998 71) 244-19-91

Энг сара китоблар ассортименти

Шавкат МИРЗИЁЕВ: КАСАЛЛАРНИ ДАВОЛАШГА ҲАМ, ИҚТИСОДИЁТНИ ИШЛАТИШГА ҲАМ МАЖБУР ВА МАСЪУЛМИЗ

Жойларга касалларни даволашга амалий ёрдам берадиган алоҳида гуруҳлар юборилади. Касалланганларга дастлабки малакали тиббий ёрдам кўрсатадиган «махсус поликлиникалар» ташкил этилади. Бу ҳақда Ўзбекистон Президентини раислигида 28 июль куни ўтказилган видеоселектор йиғилишида айtilди.

Бутун дунёда COVID-19 тарқалиши ҳамон давом этмокда. Мамлакатимизда инфекция юқтирганлар сони кун сайин кўпайиб бораётир.

Маълумки, Республика махсус комиссиясининг қарорига мувофиқ, юртимизда карантин талаблари муддати 15 августгача узайтирилди. Шу билан бирга, ҳозирги вазият пандемияга қарши кураш ишларини янада кучайтиришни талаб этмокда.

Эрта ва аниқ ташхис, малакали даво

Республика махсус комиссиясига жойлардаги эпидемиологик вазиятни барқарорлаштириш ва касалларни даволашга амалий ёрдам берадиган гуруҳлар тuzиб, ҳар бир ҳудудга юбориш бўйича кўрсатма берилди.

Ушбу гуруҳларга мутасадди идоралар, ихтисослашган тиббиёт марказлари ҳамда тиббиёт олий ўқув юрглари раҳбар ва мутахассислари, шунингдек, нафакадаги тажрибали шифокорлар жалб этилади. Бу ҳудудларда аҳолига эрта ва аниқ ташхис қўйиш, беморларни касаллик даражасига қараб тўғри ва малакали даволашда муҳим омил бўлади.

Ҳокимликларга коронавирусга ихтисослашган шифоналар ташкил этиш, интензив ва реанимация ўринларини кўпайтириш, уларни зарур тиббий жиҳозлар ва дори-дармон билан таъминлаш вазифаси

қўйилди. Тошкент шаҳридаги тажриба асосида COVID-19 ва пневмония билан касалланганларга дастлабки малакали тиббий ёрдам кўрсатадиган «махсус поликлиникалар» ташкил этиш зарурлиги таъкидланди.

Давлат раҳбари оғир касаллар аҳолини енгиллаштирадиган тиббий ускуналар таъминоти масаласига алоҳида тўхталди.

Қайд этилганидек, охириги икки ҳафтада кўшимча равишда 370 та сунъий нафас олдириш аппарати, 1 минг 41 та портатив нафас олдириш ускунаси, 1 минг 164 та кислород концентратори ва бошқа зарур тиббий жиҳозлар олиб келиниб, ҳудудларга тарқатилди. Касаллар кўпайиши мумкинлигини ҳисобга олиб, Республика махсус комиссиясига жойларга яна кўшимча ускуналар етказиш бўйича топширик берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йил 25 июлдаги «Коронавирус пандемиясини юмшатиш, аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги ва саломатлигини сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонига мувофиқ Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати ташкил этилди. Ушбу хизматнинг бугунги кундаги энг асосий вазифаси вирус занжирини узиш ҳисобланади. Шунингдек, соғлиқни сақлаш тизими, ҳокимликлар билан биргаликда беморлар-

ни соғайтириш ва улардан бошқаларга вирус юқишини камайтириш ҳам энг муҳим йўналишидир.

«Соат»дай аниқ ишлаши керак бўлган тизим

Йиғилишда ёш болалар, ҳомилдор аёллар, кексалар, ногиронлиги ва сурункали касаллиги бўлган фуқаролар саломатлиги устидан тизимли мониторинг олиб бориш муҳимлиги белгиланди.

Карантин даврида бирор бир эҳтижманд оила эътибордан четда қолмаслиги, кам таъминланган аҳоли қатламга моддий ёрдам, озик-овқат ва дори-дармонларни манзилли етказиб бериш тизими «соат»дай аниқ ишлаши кераклиги таъкидланди.

– Ҳозирги шароитда касалларни даволашга ҳам, иқтисодиётни ишлаштиришга ҳам мажбур ва масъулмиз. Шунинг учун аҳоли саломатлигини сақлаш, айни пайтда темир интизом билан ҳамма ишларни давом эттиришимиз керак, – деди Шавкат Мирзиёев.

Ҳокимлар ўз ҳудудидаги реал вазиятдан келиб чиқиб, аниқ чоралар кўриши бўйича топшириқлар берилди. Шу билан бирга, тиббий никоб тақиш, ижтимоий масофани сақлаш, 65 ёшдан ошганлар зарурат бўлмаган уйдан чиқмаслиги қондаларига қатъий риоя қилишининг аҳамияти қайд этилди.

Президент фармонига кўра, коронавирусга тест натижалари ҳақида 3 кунда хабардор қилинади. Бундан ташқари, уй шароитида даволанаётганларга ёрдам кўрсатиш тартиби белгиланди.

КОРОНАВИРУСГА ТЕСТ НАТИЖАЛАРИ

3 кунда телефон орқали хабар берилади

Ўзбекистон Президенти 25 июль куни «Коронавирус пандемиясини юмшатиш, аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги ва саломатлигини сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонга имзо қўйди. Бу ҳақда Адлия вазирлиги хабар берди.

Ушбу фармонга мувофиқ, аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги ва саломатлигини сақлаш бўйича қуйидаги кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар амалга оширилиши белгиланди:

• Ҳар бир оилавий поликлиникалар ва кўп тармоқли марказий поликлиникаларда мобил гуруҳлар ташкил қилинади ҳамда улар учун соддалаштирилган йўриқнома ишлаб чиқилади;

• Лаборатория тегишли секторни жалб қилган ҳолда экспресс-тест ва иммунофермент таҳлили усуллари киритилади;

• Аҳоли томонидан мурожаат қилинганда ҳамда уларда касаллик белгилари аниқланганда тезкорлик билан коронавирус инфекциясига таҳлил олиш ва таҳлил натижаларини 3 кунлик муддатда уларни шахсий телефон рақамлари орқали хабардор қилиш чоралари кўрилади;

• Тиббиёт муассасалари ўртасидаги ахборот алмашиш тизими соддалаштирилади – ҳисоботлар тури, даврийлиги ва бошқа қозғовчилар билан боғлиқ жараёнлар электрон тизимга ўтказилади.

Қайд этилишича, қишлоқ врачлик пунктлари, оилавий поликлиникалар ва кўп тармоқли марказий поликлиникаларда коронавирус касаллигига чалинган беморларга уй шароитида ёрдам кўрсатишнинг тегишли тартиби жорий қилинади.

Бунда:

• Ҳар бир оилавий поликлиника кесимида умумий амалиёт шифокори ва патронаж ҳамшираси учун аниқ хонадонлар тақсимилади ҳамда умумий назорат оилавий поликлиника мудури томонидан амалга оширилади;

• Ҳар бир туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмасида тажрибали шифокорлардан иборат бўлган касаллик чалинган беморларни саралаш ва баҳолаш қилиш, даволаш жараёнини мониторинг қилиш гуруҳлари тuzилади;

• Қорақалпоғистон Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан ҳар бир туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмасида бирламчи бўлган шифокорлари билан туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмасининг врачлари оператив маслаҳатлашиш ва беморлар аҳолини тўғри баҳолаш олиш имконини берадиган алоқа тизими ўрнатилади;

• Оилавий поликлиника мудури ҳар кун касаллиги шимтомсиз, енгил кечаётган беморлар, улар билан мулоқотда бўлган шахслар сони, аҳоли, шунингдек даволаш муолажаларини олаётган беморларда касаллик кечпи динамикаси тўғрисидаги маълумотларни телефон ёки онлайн видеоалоқа тизими орқали туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмасининг оилавий поликлиникалар бўйича координаторига етказиб боради;

• Уй шароитида даволанаётган беморлар аҳоли динамикасида салбий ўзгаришлар кузатишган тақдирда мобил гуруҳга мурожаат қилиб, беморни туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмасига тегишли бўлган тиббиёт муассасаларига етказиш чораларини кўради.

«ХАЛҚ МАШИНАСИ»НИНГ НАРХИ нега халқнинг чўнтагига яраша эмас?

Ўзбекистонга рақобатчи автомобиль заводи кириб келиши ҳақидаги хабарлар қулоққа чалина бошлагандан аксарият юртдошларимиз қувонган эди.

Сабаби «GM Uzbekistan»нинг барча «ўйин»ларидан ҳамма чарчаган эди. «Хоҳласанг ҳам, хоҳламсанг ҳам биздан олишга мажбурсан» тамойилида собит туриб келаётган «GM» автомашиналари пулига яраша сифат талабига жавоб бермаслиги кундай равшан. Нарх осмон бўлгани устига яратилган сунъий навбат туфайли оилаб (ишгарироқ ҳатто ишлаб эди) олдиндан пул тўлаб навбат кутганини-ку XXI аср эртагига менгзап мумкин.

Россияда йиллаб қора ишчи бўлиб тер тўккан юртдошларимиз ўша гадейтопмас жойлардаги автосалонларда кўрган, ўз юртида ишлаб чиқарилган «Нексия»ни нима учун ўз юртига келиб 3-4 минг долларгача киммат нархда сотиб олишида қандай мантик борлигини ҳалигача тушунамайдилар.

Хуллас, рақобатчи автомобиль заводи мана шундай тизимли муаммоларга озгина бўлсада барҳам беришига умид қилган эди кўпчилик. Ҳар ҳолда «Volkswagen» –

яъни «халқ машинаси», аввало, халқнинг чўнтагига мос автомашина ишлаб чиқариб сотади, деб ўйлаган ҳамма.

Афсус, умидлар чиппақка чиқди... Қуни кеча Тошкентда «Фолксваген Кедди» автомо-

биллари тақдиротида уларнинг нархини эшитиб, аксарият одамларнинг ҳафсаласи пир бўлди.

Тақдим этилган учта модель нархига эътибор қилинг: **Cargo** (юк учун) – 172,1 миллион сўм (16 850 \$), **Kombi** (аралаш) – 190 миллион сўм (18 615 \$), **Trendline** (йўловчи учун) – 221,9 миллион сўм (21 740 \$).

Нима, бу халқимизнинг устидан қулишми? Битта «Labo» машинасининг ишини қиладиган моделга қарийб 17 минг АҚШ доллари миқдоридagi нарх қандай мезонлар асосида қўйилган? 172 миллион сўм жамғариш учун бир оила бир ойда қанча даромад

топиши кераклигини «Ўзавто-саноат» АЖнинг коп-қора костюм-шимда, қора ойнали машинада юрадиган менежерлари ўйлаб кўрилармикан?

Авалло, «Фолксваген Кедди» модели жаҳон миқёсида жуда янги ва ноёб модель эмас. Ўтган асрнинг 80-йилларида ишлаб чиқарила бошланган бу модель. Айни пайтдаги учинчи авлодига ҳам 15 йилдан ошди. Шундай экан, айнан Ўзбекистон бозорига бунақа киммат нархда кириб келишидан максал нима?

Агар «Фолксваген»нинг максали бозорда ўрин эгаллаш, харидорларни жалб этиш, кўпроқ машина сотиш бўлганида бунақа нарх белгиламаган бўлар эди. Чунки бу брендининг максали азалдан элита учун эмас, оддий халқ учун машина ишлаб чиқариш бўлган. Ном ҳам айнан шундан келиб чиқкан.

Хуллас, бу нархлар замирида бошқа гаплар борга ўхшайди.

Caddy (Trendline)



221,9 млн. сўм

ҚУРБОН ҲАЙИТИДА БАЖАРИЛАДИГАН АМАЛЛАР

Ноқулай шароит уларга монелик қилмайдими?

Бу йил халқимиз Қурбон ҳайитини илк бор олдингилардан бошқача тарзда, бироз ноқулай вазиятда қарши оляпти. Пандемия оқибатида бутун дунёда ўрнатилган карантин туфайли ҳаж ибодатини адо этиш имкони ҳам чекланди. Энди олдимизда Қурбон ҳайитини нишонлаш ҳамда бу кунларда қилинадиган қурбонлик ибодати турибди. Хўш, ҳозирги вазиятда бундай ибодатлар қандай амалга оширилади? Кўпчиликни ўйлантираётган бу каби масалалар юзасидан Ўзбекистон мусулмонлари идораси тасарруфидаги Тошкент ислом институти ўқитувчиси Маъмуржон ЭРКАЕВга муурожаат қилдик.

— Пандемия шароитида Қурбон ҳайитини карантин қоидаларига амал қилган ҳолда ўтказиш юзасидан Президент қарори эълон қилинди. Шундан келиб чиқиб, бу йил Қурбон ҳайити муносабати билан адо этиладиган ибодатлар қай тарзда амалга оширилади?

— Ўзбекистон мусулмонлари идораси Уламолар кенгаши томонидан одатдагидек, Қурбон ҳайитини нишонлаш тўғрисида фатво эълон қилинди. Аммо бу йилги Қурбон ҳайитини нишонлаш тўғрисида фатво олдингиларидан тубдан фарқ қилди. Чунки нафақат юртимизда, балки бутун дунё мамлакатларида давом этаётган пандемия шундай қарор қабул қилишни тақозо этмоқда.

Албатта, Қурбон ҳайити — Ийдул азҳо намозини ўқиш шариатимизда вожиб амал ҳисобланиб, ёлғиз адо этилмайди. Балки жамоат бўлиб ўқиш шарт. Инсонларнинг саломатлигини сақлаш ҳамма нарсадан муҳимлигини назарда тутиб ҳолда юртимиздаги мўмин-мусулмонлар жамоат бўлиб эмас, уйларида ёлғиз нафл намоз ўқишлари тавсия қилинган.

«Нафл намоз» деб киши ўз ихтиёри билан фарзга қўшимча тарзда ўқийдиган намозга айтилади. Бу намозни Аллоҳ таоло мўминлар зиммасига фарз каби мажбурий қилмаган, балки ихтиёрий суратда адо этилса, савоб бўлади.

Нафл намозларининг тури кўп. Шулардан бири зуҳо намозидир. У чоғида вақтида ўқиладиган намоздир. Ўзбекистон мусулмонлари идораси Уламолар кенгашининг фатвосида мўмин-мусулмонларга айнан мана шу намозни адо этиш тавсия қилинган.

Зуҳо намозининг фазилати ҳақида кўплаб ҳадислар бор. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: «Кимки ўн икки ракат зуҳо намози ўқиса, Аллоҳ унга жаннатда олтиндан бир қаср бино қилгайди» (Термизий, Ибн Можа, Байҳақий, Табароний, Базор ва Ибн Абу Осим ривоят қилишган).

Зуҳо намозининг ракатлари хусусида маълум бир чегара қўйилмайди. Чунки бу намоз ихтиёрий бажарилишини назарда тутсақ, энг кам икки ракат бўлиб, ҳар ким тоқатига қараб хоҳлаганича ўқиши мумкин.

— Қурбон ҳайитида бажарилаётган энг муҳим амаллардан бири қурбонлик қилишидир. Бу амалнинг аҳамияти нималардан иборат?

— Қурбонлик Ислам динида молиявий ибодатлардан бири бўлиб, дугада «яқинлашмоқ» маъносини билдирса, шариатда Қурбон ҳайити кунларида Аллоҳга маънавий яқинлашиш мақсадида ҳайвон (жонлик) сўйиш тушунилади.

Қурбонлик айнан бир жонликни сўйиш билан бажарилади. Унинг ўрнига пулини садақа қилиб юбориш ёки шу миқдордаги бошқа моддий нарсаларни бериш билан бажариб бўлмайди.

Қурбонлик қилишнинг савоби жуда катта бўлиб, улардан бири сўйилган ҳайвоннинг қони ерга боришидан олдин қурбонлик қилувчининг гуноҳларининг кечирилиши ҳамда қурбонлик қилинган ҳайвоннинг жунлари миқдорича эгаси савобланиши башорат қилинган.

— Динимизда қурбонликка қандай ҳайвонларни сўйиш тавсия қилинган?

— Қурбонлик учун эчки, қўй, қорамол ва туя сўйиш жоиздир. Мўмин-мусулмонлар моддий имкониятидан келиб чиқиб хоҳлаганини сўйиб, мазкур ибодатни адо этишлари мумкин. Аммо мазкур ҳайвонларнинг ёшига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Эчки ва қўй бир ёшга, қорамол икки ёшга ва туя эса беш ёшга тўлмаган бўлса, қурбонлик учун сўйиб бўлмайди.

Шунингдек, хўроз, товук, қурка ва ғоз каби уй паррандалари ҳамда гўшти ейиладиган ёввойи ҳайвонлар қурбонлик учун сўйилмайди.

Қўй ва эчки фақат бир киши номидан қурбонлик қилинади. Мол билан туяга эса етти нафаргача шахс шерик бўлиши мумкин. Аммо бундай шерикчиликда

жуда эҳтиёт бўлиш керак. Зеро, шерикларнинг ҳаммаси мусулмон ва қурбонликни ният қилган бўлиши керак. Аммо улардан бирортаси шунчаки гўшт учун қўшилан бўлса, қолган барча шерикларнинг қурбонлиги ҳисобга ўтмайди. Сўйилган ҳайвоннинг гўшти шериклар ўртасида тенг тақсимланишига ҳам алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Қурбонлик учун танланган жонлик ўта озгин, сўйиш жойигача юриб бора олмайдиган ҳолдаги чўлок, кўзи кўр, қулоғи, шохи ёки думининг учдан бир қисмидан кўпроги кесиб ташланган бўлса қурбонликка ярамайди.

— Қурбонлик молиявий ибодат дедингиз, у қилларнинг зиммасига вожиб бўлади?

— Қурбонлик молиявий ибодати мусулмон, муқим ҳамда моли нисобга етган кишига вожиб бўлади. Таъкидлаш ўринлики, нисоб миқдори Ўзбекистон мусулмонлари идораси Фатво хайъати томонидан ҳар йили Рамазон ойида белгиланади.

2020 йил учун закот нисобининг миқдори 21 миллион 250 минг сўм сифатида белгиланган. Демак, мана шу миқдордаги маблағга эга бўлган шахсга қурбонлик қилиш вожиб бўлади.

— Юртодшларимиз қурбонликни қайси пайтгача бажаришлари мумкин?

— Маълум сабабларга кўра, Қурбон ҳайити умуман ўқилмайдиган шаҳарлар гўё қишлоқ ва саҳролар ҳукмида бўлиб, бундай жойларда ҳайит куни тонг отгандан кейин қурбонлик қилиш жоиз. Лекин куёш чикқандан кейин қурбонлик қилиш мустаҳабдир.

Аслида қурбонликнинг вақти ҳайит куни тонг отиши билан бошланади. Фақат шаҳар (яъни, Қурбон ҳайити адо қилинадиган жойлар) аҳли қурбонликларини ҳайит намозидан кейин қилишлари шарт. Шу боис, қурбонликни куёш чикқанидан сўнг, зуҳо намозини ўқиб бўлгач бажариш мақсадида мувофиқдир.

Энди охириги вақтига келсак, зулҳижжа ойининг ўн иккинчи куни аср намозининг вақтигача, яъни 2020 йил 2 август куни аср намозигача бўлади. Агар айрим сабабларга кўра кечикиб қолса, шу кун куёш ботгунча жонликни сўйиш жоиз. Аммо ундан ҳам кечикиб кетса, ҳайвон сўйилмайди. Балки тирикликча садақа қилиб юборилади.

— Маълумки, Республика махсус комиссиясининг қарори билан Қурбон ҳайити, яъни 31 июль жума, шанба ва яқинба кунлари республика бўйлаб автотранспорт воситаларининг ҳаракатланишига чеклов ўрнатилган, бундай шароит қурбонлик амалини тўла-тўқис адо этишига монелик қилмайдими?

— Албатта, автотранспорт воситалари ҳаракатланишига чекловларнинг ўрнатилиши қурбонлик қилувчиларга қийинчилик туғдиради. Айниқса, кўп қаватли уйларида истиқомат қилувчилар учун иложи йўқдек кўринади. Аслида, динимизда вақил тайинлаш деган нарсаси бор. Айрим ибодатларда, хусусан молиявий ибодатларни бажаришда вақил тайинлаш жоиз. Қассобга жонлик олиб бериб, унинг ўзини ёки бирор кишини вақил қилиб тайинланади. Белгиланган вақтида вақил жонликни қурбонликнинг эгаси номидан сўйдирди. Мана шу тарзда қурбонлик амали бажарилади.

— Қурбонлик қилинган ҳайвон гўшти қандай тақсимланса шариатга мувофиқ бўлади?

— Аслида, қурбонлик қилинган ҳайвон гўштини уч қисмга бўлиш, бир қисмини садақа қилиб юбориш, яна бир қисмини меҳмонларни қақариб едириш ва қолган қисмини ўзида олиб қолиш тавсия қилинган. Агар қурбонлик қилувчининг ўзи серфарзанд бўлса, гўштнинг ҳаммасини ўзида олиб қолиши ҳам жоиз.

Лекин бугунги пандемия шароитида қийналган оилалар кўпчиликни ташкил қилади, десак муболаға бўлмайди. Аввало, қариндошларимиз, қўни-қўшиларимиз, маҳалладошларимиз орасида муҳтожлар бўлса, уларга тарқатиш, турмуш шароитининг яхшилланишига сабабчи бўлиш жуда катта савоб, хайрли амаллардан ҳисобланади.

БИЛАСИЗМИ?



❓ **Қурбонлик қилишга қўй ёки бошқа ҳайвон сотиб олмоқчи бўлган киши ҳайвоннинг пулини сўйгандан кейин гўшт қилосига ҳисоблаб бериши мумкинми?**

✓ **Қурбонлик қилинадиган ҳайвон тўлиқ мулкка кирмасдан сўйилса, қурбонликка ўтмайди. Чунки, неча кило чиқса, шунга қараб пул бераман, дейиш билан ҳайвон қурбонлик қилувчининг мулкига тўлиқ ўтмаган бўлади. Фаразан, ҳайвон сўйилмасдан ўлиб қолса, ҳеч қачон қилосига пул бермоқчи бўлган одам тўлаб бераман, демайди. Демак, аввал (пули насия бўладими, нақд бўладими фарқи йўқ) тирик ҳайвон қийматини тайин қилиб, тўлиқ сотиб олиши керак, кейин қурбонлик қилинса, дуруст бўлади.**

❓ **Қурбонлик гўштини сотиш мумкинми?**

✓ **Қурбонлик гўшти ва терисини сотиб бўлмайди. Лекин уларни доимий фойдаланиладиган ашёларга алмаштириш мумкин.**

Динимизда қурбонлик қилиш жуда фазилатли ва савобли амаллардан ҳисобланади. Закоат нисоби миқдорига маблағга эга бўлган кишилар қурбонлик қилиши вожиб.

Маблагининг бир йил ортиқча бўлиб туриши шарт эмас. «Бадонъусано» китобида жонлик сўйилиши билан (қон оқизилиши билан) қурбонлик ибодати амалга ошган бўлади. Унинг гўштини садақа қилиш мустаҳабдир, дейилган. Қурбонлик учун сўйилган жонликнинг териси ёки гўштини сотиш борасида «Танвирул-абсор» ва унинг шарҳи «Дурул-мухтор» китобларида шундай дейилади:

«Қурбонлик учун сўйилган жонликнинг териси садақа қилиб юборилади ёки ундан (ишлатиш учун) қоп, элак, меш, сафар халта ва челақ каби нарсалар ясалиши мумкин. Ёки терини узок вақт ишлатиладиган мазкур маиший асбоб-ускуналарга алмаштирса ҳам бўлади. Лекин сирка, гўшт, пул ва шулар каби бир марта фойдаланиладиган нарсаларга алмаштирилмайди. Агар жонликнинг гўшти ёки териси мазкур бир марталик истеъмол қилинадиган нарсаларга ёки пулга сотилса, пули садақа қилинади. Бундан сотиш жоизлиги, лекин мақруҳлиги келиб чиқади.

Саволларга Ўзбекистон мусулмонлари идораси фатво бўлими етакчи мутахассиси **Ғуломиддин ХОЛБОВ** жавоб берди (ЎЗА).

ЭФФИР учун қилинаётган ЭҲСОНЛАР

Биз ростдан ҳам бирдам халқмиз...ми?!

«Дўст синовда билинади», «Инсон бошга кулфат келганда синалади» дейди ёши улуглар. Ҳақиқатан, бугунги кунларни бутун инсоният бошига келган синов деб ҳисоблайдиган бўлсак, у яхши-ю ёмонни, инсофли-ю инсофсизни, виждон аҳлини-ю, қолаверса ўз манфаати йўлида жони ҳалак кўзбўямачини оз фурсат давомида умр элагиде элади. Қийин шароитда инсонларнинг мушкулини осон қилиб, оғир дамларида елкадош бўлишга қодир юртдошларимиз қатори ҳалигача узилгани йўқ. Бу қувонарли, албатта.

Бироқ яхшилик йўлида қандайдир имтиёزلарга эга бўлган ёки имтиёз мақсадида саховатга бел боғлаган тadbиркорлар ҳам, ўз қилган эҳсонини овоза қилиб, ҳисобот varaқаларини тўлдирган амалдорлар ҳам бўлди ва бу ҳали-ҳамон давом этмоқда.

Маҳалла-қўй ёки бирор ташкилот томонидан кам таъминланган оилаларга саховат нeматлари тарқатилар экан, бу дамлар фотоаппаратсиз, телевидениясиз ўтмаётгани бор гап. Шунда ўйлаб қоласан киши, хайр-эҳсон ортида қандай манфаат яширин экан?! Ахир, «Яхшилик қил, сувга от, билса балик, билмаса Холик билади», деган нақл бежиз айтилмаган. Бироқ заррадек саховатни кўз-кўз қилиш «эпидемияси» бугунги яшаш тарзинини намoён этаётгандек. Хар бир қадамимиз расмхонлик, қоғозбозлик, ҳисоботчилик устига қурилар экан, қилган кичкина саховатимизни бир баҳа эфир каршисиде кўрсатиб қўймасак кўнгилик курғур ўз жойига тушмайдигандай. Буни кўрган бошқалар ҳам қатордан қолмайлик, биз ҳам ойнан жаҳон юзини кўрайлик дегандай, дарҳол тўрт-бешта нарсани кутига жойлайди-ю, муҳтож хонадон остонасига қадам қўяётганини экранда кўз-кўз қилади.

Бу гаплар кимларгадир эриш туюлар балки, бироқ ўнг қўлимиз қилган яхшиликни чап қўлимиздан яшириш туғул, бутун халққа овоза қилиш замони келди, чамада. Яқинда биздан икки уй нарида турадиган етмишлардан ошган, ёлғиз келини ва икки вояга етмаган набираси билан яшайдиган онахонниқига саховат «карвонча»си қадам ранжида қилибди. Мўъжазгина кутиде бир килограммча картошка, шунча пиёз, сабзи, бир литр ёғ ва бир-икки хил маҳсулот. Унинг ортида эса, ўндан ортик одам, қоғоз-қаламни тайёрлаб, фотоаппаратларини шай ҳолатта келтириб турганига нима дейсиз?!

Онахон бу ҳолни кўриб, «мен бу нарсаларга зор эмасман, буларни олишга ўзимнинг ҳам қурбим етади» дея ҳеч нимани олмабдилар. Кўчамизда яна тўрт-беш нафар кам таъминланган, боқувчисини йўқотган шундай оилалар бор. Уларга шунча ой-йил ўтибдики, маҳалла томонидан ёрдам пули ёки бирорта кўмак кўрсатилмаган. Ваҳоланки, маҳалла фондига кам таъминланган оилалар ҳолидан хабар олиш учун қанча-қанча маблағ келиб тушади. Бу пуллар қаерга, кимнинг тешик нафсига ямок бўлаётгани ҳақидаги узунқулок гаплар ижтимоий тармоқларда айланиб турибди.

Энди бу яхшиликка қўл уриб қолишганига сабаб, «юкори»дан шундай буйруқ келган. Уни бажарилганини исбот қилиш учун бир varaқ қоғоз, тўрт-бешта расм бўлса kifюф. Мана, сизга «яхшиликлар карвони»... Яна ҳали бундай топшириқлар баҳонасида ярим садақани ўз чўнтағиде қолдириб, ҳисоботларни «чиройли» қилиб қўяётганлар қанча.

Мана тўрт ярим ойдан бери кўпчилик қора қозонини қайнатиб турган даромадидан ҳам айрилди. Пандемия шароитида қийналиб қолган рўзгорлар оз эмас. Муҳтожларга ёрдам берилиши, ҳеч ким эътибордан четде қолмаслиги бот-бот айтиляпти ҳам. Шу ўринда ҳақли савол туғилади: ўшандай оилаларга ёрдам бериш имконияти бор экан, нега бу тизимли асосда, мамлакатимиздаги барча муҳтож оилалар камраб олинган ҳолда ташкил этилмаган? Нега фақат муржоат қилинса, у ёқ-бу ёқдан хомий топиб ёки бирор йўлини қилиб ҳисобот учунгина моддий ёрдам кўрсатилляпти?

Бухоролик ҳамкасбимиз айтиб қолди. Ўтган галги кучли шамол оқибатида ён қўшнисининг томи яроқсиз аҳволга келган. Оила боқувчисидан айрилганига тўрт-беш йил бўлган ёлғиз аёл тўрт фарзандини ўзи вояга етказиб келади. Уй томини қайтадан ёпиш эса анча маблағ талаб қилиши кундай равшан. Бироқ қоғоз-қалам қўлтиклаган маҳалла катталари уйга келиб, у ёқ-бу ёқдан расмга олиб кетишгани, агар хомий топиб, ёрдам берамиз дея жуфтаникни ростлашган. Эшитишимча, бир хомий неча ойдиқри, ҳали ҳамон муҳтож кўл тополмай сарсон. Бузилган том акс этган суратлар баённомага қандай қайд этилгани эса бизга қоронгу...

Биламизки, муҳтож оилаларга ёрдам кўрсатиш учун «call-center» фаолият юритиб келмоқда. Бироқ чекка туманлардаги зўрга рўзгор тебратаяётган одамлар ҳолати ҳақида кимга хабар берсин? Қоғоз-у ҳисоботдан бош кўтармайдиган «юкори»дагиларгами ёки ишни пайсалга соладиган маҳалла раисига? Ёрдам кўрсатиш ўлда-жўлда бўлиб турган бир пайтда халқ кимга ҳам юрак ютиб, сўз оч олар эди. Тўғри, телевизор орқали хайр-эҳсонлар амалга ошириляётгани баландпарвоз сўзлар билан айтиммоқда. Бироқ сизу биз билмаган тоза сўрғини кўз ёш ютиб турган, қор оғиш у ёқда турсин, битта никобни ювиб-ювиб ишлаётган юртдошларимиз қанча? Аслида, ҳақиқатда ёрдамга муҳтож бўлган шундай оилалар ўзлари сўрамаса-да, эшигини тақиллатиб бориш керак эмасми?

Ҳеч эътибор берганмисиз, шундай инсонлар борки, қора қозони зўрга қайнаб турса-да, бировдан ёрдам сўрашга ийманди, маҳалла остонаси олдиде сарғайиб туришини ор билди. Ҳаттоки, қаердан, қандай ёрдам олишини билмайдиган ёрдамга муҳтожлар ҳам борлигини унутмайлик. Бироқ ўзига тўқ бўлса-да, у ер-бу ердан хат тўғрилаб, жондай жигар бўлиб кетган маҳалладан ёрдам пули оладиган юзсизлар ҳам борлиги ҳақиқат. Нега?.. Чунки маҳаллаларда ёрдамга муҳтожларни аниқлаш ва ёрдам ажратиш комиссиялари ҳам номига тузилган, хўжақўрсинга иш битиришади. Ақсарияти аҳолининг қанчасига ёрдам керак, кимлар кўмакка муҳтожлигини билишмайди ҳам. Билиб



нима қилишарди... ахир, текин ўлжадан кимлардир куруқ қолиши тайин-да.

Ижтимоий тармоқларда Жанубий Корея давлатида камбағал оилаларга тарқатилётган маҳсулотларнинг расми тарқалди. Столни тўлдириб турган нарсалар орасида ун, ёғдан тортиб, чой, тузгача, шампун, гел-у антисептик воситаларгача муҳайё экани акс этиб турибди. Буни кўрган юртдошларимиздан бири Назира Тожибосова «Нега бизда шундай эмас! Нима етишмайди... берган 2 кг ун, 1 кг шакар, 1 литр ёғ ва 1 кутти тухумни таъна қилиб, ношукр деб гапиришади, ўша маҳсулотни фуқарога бераётганини уялмай эфирда ёритишади. Мен бунақа эҳсонини бошқа давлат кўраётганидан уялман» дея фикр билдирган. «Йиллар давомида йнғилган иллатларимиз шундай кунларда яна ҳам ўзининг ҳақиқий башарасини кўрсатди» дейди Обида Назарова. Яна бир ижтимоий тармоқ фойдаланувчиси Дилшод Мамаражабов: «Йлмсизлик, жоҳилликдан ҳаммаси... Манманлик бор-у, «мен»лик йўқолди», дея изоҳ қолдирган.

Дарҳақиқат, бу каби фикрлар яна кўпалаб юртдошларимиз томонидан айтилган ва уларнинг фикрини қоралашга ҳам ҳаққимиз йўқ, аслида. Негаки, улар оддий халқ ичидан туриб, вазиятни кўриб-билиб туриб ичидегини айтишмоқда. Энг ачинарлиси, «Камбағални туянинг устида ҳам ит копади» дейишганидай, бориб-бориб калтак жабрини яна оддий халқ, ўша муҳтожлар тортаётганидир. Уда-буронлар эса шу кунда ҳам пайтдан фойдаланиб қолиш йўлини қилишди. «140 минг сўмлик маҳаллий уни маҳалладагилар халққа сотмасдан дўконларга устига қўйиб пуллади. Кўзим билан кўрдим, деганлар қанча. Лекин одамлар арзон уни тополмай қолди» дея ўз қорни ғамидагилардан ўқиниб гапирди Зиннур Усмон.

Биз бирдам халқмиз, биз саховатпеша халқмиз, дея кўкрак керамиз камера каршисиде. Гўёки, қофиядор сўзлар халқнинг мушкулини осон қиладигандай. Аслида халқ қандай яшаяпти, чекка туманлардаги аҳоли қандай кун кўрапти, ишсиз қолганлар рўзгорини қандай тебратяпти, деган саволлар эса ҳали-ҳамон жавобсиз. Аслида, микрофони оддий

халққа, солда, ҳеч нимадан манфаат изламайдиган инсонларга бериш гали келмадими?..

Бирдан гап-сўз тарқалди: «Эргаферон», «Арбидол» каби дориларни ичиш керак. Иммуниетни кўтарар экан. Шу пайтда давр кимларга тегди: ётиб қолгунча, отиб қолиш қабилида иш тутганларга! Аввал 40-50 минг сўм бўлган дорилар, бугунги кунда ўн баробаргача кўтарилиб кетди. Ажабланирлиси, дорихоналарда топилмаб қолган дорилар «қора бозор» сандигида қалашиб ётибди. Қани инсоф? Бирдамлик деган сўзлар қаерда қолди? Мана, аслида қанақамиз ва бугун ким кимни ўйлайдиган замон...

Шу оғир дамларда ҳам кимнинг лотереяси ўйнаса, чек кимга тушса – давр уники. Пайтдан фойдаланиб, бир сўмини ўн сўм қилишга тиришишади. Нега мана шу вазиятни тегилли мутасаддилар жим туриб кузатишади, кўриб кўрмаганга олишади? Дорихоналарни эгаллаб олганлар имконияти чексизлару, айбдор эса ўша дорини 40 минг туғул 4 мингга ҳам олишга қурби етмайдиганлар бўлиб қолавереди... Ҳақиқатан ҳам коронавирус деган кўринмас ёв инсониятга синов учун юборилганига яна бир қарра амин бўласан киши. У яхшини синади, ёмонни синади, ҳаммани виждон тарозисига қўйиб кўрди...

Кўз-кўз қилинган яхшиликлар экранни тўрт-беш дақиқа «безаб» туради, берилган озик-овқат маҳсулотлари у оилада бир ҳафта ўтиб туғайди. Кейин нима қилишади, кунини қандай кўришяпти? Бунга ким қизикаяпти? Ёки биз фақат ҳаётнинг ёрқин рангларини тасвирга олишга ўрганиб қолганмиз-у, ҳақиқатни ошқор этишга виждонимиз йўл қўймаймиди?

Ҳисоботлардан четга чиқиб, камераларни ўчириб, ҳақиқат кўзи билан халққа боқинг. Уларнинг ичиде қандай дард, ҳаёлида қандай ўйлар ҳукмрон, аслида. Кўз ёши билан ивтилган нонга қорин тўклаётганлар бордир, балки маҳаллангизда, шаҳрингизда. Бунинг учун бир муддат қоғоз-қаламни ўринда қолдириб, халқ орасига бир бор бош сукиш керак.

Маҳфуза ПЎЛАТОВА,
«Оила даврасида» муҳбири

Фикрлашдан тўхташ — маънавий ўлимдир. Буни олимлар кўп таъкидлашган. Ҳазрат Навоий «Ҳар ишники қилмиш одамизод, Тафаккур бирла билмиш одамизод», деганларида юз бора ҳақ бўлганлари шубҳасиз.

Инсонни фикрлашга ундайдиган ҳар бир нарса дунёқарашини ўстириб, тафаккурини ривожлантириб боради. Бирон яхши нарсани кўриш, эшитиш ё ўқиш кишида янги-янги фикрлар пайдо қилади. Инсонни фикрлашга ундамайдиган, аксинча, фикрлашдан тўсадиган ҳар қандай иллат инсоният дарахтига урилган болта эканини унутмаслик керак.

Агар аксинча бўлганида эди, мазмунсиз кўшиқлар, одамнинг вақтини олишдан бошқасига хизмат қилишга ярамайдиган сериаллар, хабарлар эфирга чиқиб кетмас эди.

Яқинда бир телеканал муҳбири узатган лавҳасида ўн марталаб «Армения» сўзини такрорлаганига гувоҳ бўлдим. Ахир арманлар яшаётган мамлакат ўзбек тилида Арманистон

асосли эмас. Атокли драматург ўз асарларидан бирида бу халқ кўшиғидан фойдаланган холос. «Сизни айвон» ашуласи олис замонлардан бери ўзига хос халфачилик услубида қуйланади. Кейинги даврда уни «Дуторчи қизлар» ансамбли биров бошқачароқ «талқин» этмоқда.

Ҳақиқатда эса кўшиқнинг иккинчи сатри биринчи мисрага уйкаш оҳангда «...Ўртасида чиний нарвон эмасми?» деб қуйланса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Буни шундай изоҳлаш мумкин: Куйи Амударё минтақасининг айрим жойларида қайрағоч, чинор дарахтла-

деб номланган фильм-концертини эсланг).

Кўшиқнинг сатрларига синган маъно ва мантқиқ эътибор берадиган бўлсақ, айнан «Сув келади Маридан» деб айтилишининг тўғрилиғига ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Маълумки, Мари — Амударёнинг юқори ҳудудида жойлашган қадимий Марв шаҳри. Баъзи тарихчилар ўтмишда уни Хоразм мамлакатининг дарвозаси деб талқин қилишган. Қадимдан ҳам, бугунги кунда ҳам Амударё айнан Мари шаҳри ёғинасидан оқиб ўтиб, сўнг Хоразм воҳасига обн ҳаёт таратади.

ОФИЗ – ЮЗДАГИ ЙИРТИҚ ЭМАС

Ундан чиқаётган ҳар сўз ақл тегирмонида тортилиши керак

Бугун бошимизга келган мусибатлар туфайли бугун инсоният уйдан чиқмай яшайпти. Айниқса, ёшлар ва болаларни эҳтиётлаб, кўз қорачиғимиздай асрашга ҳаракат қилишимиз. Уйда зерикиб ўтирган каттага кичик уззу кун телефон, интернет, телевизор билан вақтини ўтказаяётгани ҳам сир эмас. Бу эрмакларга бўлган талаб карантин шароитида яна-да ошгани ҳам ҳақиқат. Демак, бундай пайтда уларда эълон қилинаётган материаллар тайёрлашга бўлган масъулият ҳам ошиши зарур. Интернет орқали узатилаётган бўлар-бўлмас маълумотлар сарҳадсиз даражада кўп. Фарзандларни улардан қандай ҳимоялашга ҳам бош қотиб қолади баъзида. Лекин ўз ихтиёримизда бўлган айрим теле ва радио каналларда берилаятган ҳар бир чиқишни жиддий мулоҳаза қилиб кўриш учун имкониятимиз етарли, назаримда.

«Ўрмалаб» қираётганлар

Бугунги кунда телерадиоканаллар роса кўпайиб бормоқда. Қайси бирини томоша қилишни ўйлаб бошингиз ҳам қотади. Бироқ, афсуски, уларнинг ҳаммасидаям соғлом маънавиятни, ички руҳий гузаллиқни тарбиялашга ҳисса қўшадиган кўрсатувлар беряпти, деб айта олмаيمиз. Айниқса, хусусий телерадиоканаллар уззу-кун санъат оламига зўрма-зўрак «Ўрмалаб» кириб келаётган хонандаларнинг маза-матрасиз кўшиқларини бериш билан машғул.

деб аталади-ку. Наҳотки, ёш муҳбир хатосини тўғрилаб эфирга узатишга масъул муҳаррир, бош муҳаррир дегани ўз вазифасига шунчалик бефарқ бўлса?!

Яна бир телеканалда намоиш қилинаётган сериалда оддий милиция сержанти ҳудуд нозир сифатида тасвирланган. У ҳашаматли офисда ўтиргачна жиноятни фош қилиш бўйича ходимларга буйруқ беради, ҳужжатларга имзо чекади. Ўта қулғили. Сериални тасвирга олган режиссёр ҳамма форма кийганлар унвон жиҳатидан бир хил бўлса керак, уларнинг сержантлари ҳам катта масъул лавозимларда ишлайверса керак, деб ўйлаган шекилли.

Ўрта чиндан равонми?

Инсон баъзан кўшиқларни ўзининг ихтиёрисиз ҳам тинглашга мажбур. Бирон савияли эштитириш ёки кўрсатувнинг орасида ҳам кўшиқлар узатилади. Улар тингловчига бирон маънавий озик берадиган бўлса, нур устига. Лекин нима дейганини ўзи ҳам билмайдиган, айтилаётган сўзлари маънога умуман айлн келмайдиган кўшиқлар одамнинг маънавий ҳордиқ чиқаришига эмас, асабини бузиб, жажлини чиқаришга хизмат қилади.

Халқ артисти унвонини олган катта бир санъаткор бир кўрсатувда шундай қуйляпти:

«Сизни айвон, бизни айвон эмасми, Ўртасида чиндан равон эмасми?...»



рени гужум ёки нарвон деб аташади. Нарвон — баланд, осмонўпар дегани. Бундан англашладики, «чиний нарвон» — «Хитой чинори» деган маънони англатади. Воҳада «Ўн икки нарвон», «Нарвонли», «Нарвонли кўрғон» деган жойлар борки, бу ерлар бир вақтлар баланд-баланд гужум ва чинорлари билан машҳур бўлгани учун ҳам шундай номланган. Тадқиқотчиларнинг «нарвон» сўзининг «баланд», «юқори» деган маъноларини ҳам беришини инobatга оладиган бўлсақ, драматург Комил Яшин жузъий тахрир қилиб ишлаган «Ўртасида чиндан равон эмасми?» сатри биринчи сатрга маъно жиҳатидан уйкаш эмаслиғига амин бўлаемиз. Бу кўшиқнинг халфалар ижросидаги дастлабки банди бир кундошнинг иккинчи кундошига арзи акс этилаётганини инobatга олсақ, «ўртасида»ги «чиний нарвон» икки аёл тақдирига боғланган бир эр кишига ишора, ташбех эканини тушуниш қийин эмас. Дарвоқе, одатда алп йигитлар нарвон, яъни чинорларга киёсланади.

Сатрлардаги «чинни» сўзи аслида «чиний» шаклида бўлиб, «хитойча», «Хитойга хос» деган маънони англатади. Шунингдек, бир тўп шода-шода бўлиб ўсадиган нарсаларни ҳам «чинни» дейишган.

«Мўрини тинч қўйинг, артистлар»

Яна бир машҳур «Олма пишганда галинг» кўшиғидаги сатрлар кўпгина санъаткорлар талқинида «Сув келади мўридан, Мўридан ҳам наридан», тарзида эфирга узатилмоқда. Уни деярли ўттиз йилдан буён Равшан Намозов шундай ижро қилиб келади. 1993 йилда нуфузли нашриётлардан бирида чоп қилинган «Хоразм халқ ижодиёти дурдоналари» китобида ушбу кўшиқ сатрлари «Сув галади Маридан» деб берилган.

Олис йиллар давомида бу ашулани Жумми Ших, Ўзбекистон халқ артистлари Бекажон Раҳимов, Гулсара Ёқубовалар мароқ билан қуйлаб ўтишган («Хива вақти билан роппа-роса 7.00»

«Сув келади Маридан, Маридан ҳам наридан...» дейлишининг боиси ҳам шунда.

Чунки дарёнинг Маридан ҳам наридаги минтақалардан оқиб келишини ота-боболаримиз яхши билишган. Уларнинг фикрлаши, бадий дид-савияси ҳам бизниқидан анча юқори. Қофия ёки оҳанг учун беш-олтита сўзни қовуштириб шеър ёки кўшиқ қилишмаган. Ҳар бир сўз устида жиддий фикр юритишган. Шу кўшиқ орқали бошқаларни ҳам шунга ундашган. Кези келганда таълим ҳам, тарбия ҳам бир қатор шеърда мужассам бўлган.

Бугунги айрим «санъаткор»лар эса, «Сув келади мўридан» дейиш билан тингловчига бирон бир аниқ-тиник тасаввур бериш амримаҳол.

Хонандалар қачонгача мўридан сув келишига одамларни ишонтиришга уринишади?!

Халқ кўшиқларининг ҳар бир сатрида чуқур маъно жавоҳирлари яширилган. Рамзлар, тимсол ва нозик қочиримлар унинг безағи саналади. Уни қуйлаётган санъаткор ана шуларни чуқур хис қилиб, теран англамоғи зарур. Зеро, маънавиятнинг олтин ёмбилари саналмиш кўшиқлар қиймати ана шунда янада ошиб, кадри юксалаверади.

Юқорида келтирилган мисолларни ўқиб, балки, ажабланарсиз. «Хей, инсон, агар элакдан ўтказилса, сен айтганларингдан юз чандон даҳшатли кўшиқлар тўлиб ётибди-ку!» деган сеплар кўнглингиздан ўтар балки. Тўғри, лекин биз уларни инсонларга маънавий озик беручи кўшиқлар сафига киритолмадик. Қолаверса, оз кўннинг дағили бўла олади.

Мақсадимиз қийин кунларда биз учун хизмат қилаётган айрим инсонларни танқид қилиш эмас. Уларга бу машаққатли фаолиятларида яна-да ҳушёрроқ бўлиш масъулияти ортиб бораётганини таъкидлаш холос.

Ота-боболаримиз сувнинг қаердан келишини яхши билишган. Уларнинг фикрлаши, бадий дид-савияси ҳам бизниқидан анча фарқ қилган. Қофия ёки оҳанг учун беш-олтита сўзни қовуштириб шеър ёки кўшиқ қилишмаган. Ҳар бир сўз устида жиддий фикр юритишган. Кўшиқ орқали бошқаларни ҳам шунга ундашган. Кези келганда таълим ҳам, тарбия ҳам бир қатор шеърда мужассам бўлган.

Баъзи ҳолларда эса таниқли санъаткорларнинг ҳам ҳеч қандай маънони англамайдиغان ашулаларни қуйлаб қолганига ажабланасан киши. Бу ҳолнинг кўпайгандан кўпайиб боришига узатилаётган ҳеч бир эфирда, студиялар қошида бадий кенгашнинг йўқлиги сабаб бўлаётгани сир эмас. Нафақат хусусий, балки давлат телерадиокавалларида ҳам бадий кенгашлар кўнгилдагидай фаолият олиб бормаётгани тўғрисида юз бора гапирилган.

Хўш, бу сатрлардан ким қандай маънони тушуниши мумкин? Мутлақо ҳеч қандай! Айвоннинг ўртасида нима равон бўлаётгани тўғрисида кўшиқнинг давомида ҳам заррача ишора йўқ.

Аслида «Сизни айвон» ашуласи Хоразм халқ кўшиқлари сирасига кирган. Бу кўшиқ неча замонлардан буён аёл муҳаббати, дарди, ўкинч ва армони сифатида қуйланиб келинади. Баъзилар уни Комил Яшин қаламига мансуб деб билади. Албатта, бу фикр

ОСОЙИШТАЛИКДАГИ УРУШЛАР

«...Мен катта бўлсам милтиқ сотиб оламан.
— Милтиқни нима қиласан?
— Отамни отаман!!!»

« Бугунги кунда адабиёт, адабий олам, адабий мухит анчагина ривожланмоқда. Бунга ўз хиссасини қўшаётган шоир, ёзувчиларимиз талайгина. Улар орасида таниқли адиб Назар Эшонқул ҳам бор. Бу ижодкорнинг маҳорати қахрамонларидами ё уларнинг табиатида? »

Адибнинг ўзи «менга воқеа эмас, унинг таъсир моҳияти қизиқ», — деб ёзди. Демак, ҳикоя, роман ё кисса бўлсин, ундаги маъно ва унинг таъсир этиш эҳтимоли кучли эканини англаймиз. Бундай маҳорат — катта истеъдод.


Назар Эшонқулнинг «Уруш одамлари» киссаси фақатгина уруш даҳшатлари ҳақида эмас. У шу бугунги ҳаётимиз, одамлар тийнатидаги эзгулик ва ёвузлик, меҳр ва оқибат каби абдий туйғулар ҳақида бизга сўзлайди. Асардаги бутун моҳиятни кўрсатиб берган бош образ — Бийди момо. Бу аёл жуда мард, жасур, қадриятларга содиқ, фарзандларини ҳалол лўқма билан ўстириб, номусли, ориятли қилиб тарбиялаган. Аммо уруш туйғули икки ўғлидан ажраланидан кейин ҳам ҳаёт оқимида қарши сузмади. Бизнингча, унинг биргина хатоси бор. Нормат полвоннинг фарзандларини

ўйламасдан кичкина келинини олиб бермоқчи эди. У «Ётти номус — бир ўлим» мақолига содиқ аёллиги учун келини Анзиратнинг хиёнатини кечира олмади. У Нормат полвонни оиласидан йироқлаштирди. Бу хато туйғули икки қорақўзнинг норасида етимга айланиб қолишини ўйламади ва охирида ҳам хиёнатни кечира олмай Анзиратни ва уни шу йўлга бошлаган Мирзақулни ҳам ўзи билан олиб кетди.

Нормат полвон — босиқ, ҳар қандай вазиятда ўзини тута оладиган, лекин феъли келса, отасини ҳам аямайдиган одам. Бу тасвирда қахрамон савиясининг зоҳирий жиҳатлари, оддий одамларга хос хислатлари ёритилади, яъни «босиқ», «ўзини тута билиши» ундаги ижобийликни таъкидлайди. Аммо у иккинчи боскичдаги характер (Анзират ва Мирзақул) воқеасидан кейин кўринади. Реал

ҳаётдаги турмушда салбийликка замин ярагади. Маълумки, инсон сийратининг бутлиги вужуд, ақл, руҳ яхлитлигида шаклланади. Буларнинг биттасига путур етса, инсон ўзлигидаги табиий мувозанат бузилади.

Анзират ана шу ҳолатдаги шахс. Ақлининг дарз кетиши билан юзага келган бўшлиқ уни аросат йўлларга бошлайди. Тўғри, уруш туйғули фарзандлари учун шу йўлга кириб қолди, ўзи атайлаб қилмади, аммо барибир бу ишни оқлаб бўлмайди. Анзират образи орқали иродаси суяқ, эътиқоди бекарор шахснинг маъносизлик маскани, ҳаёли олами гирдобидаги аянчи ҳолати ва киёфаси чуқур психологик ракурсда реалистик тасвир орқали кўрсатилган. Бир томондан Нормат полвон қилган ишени қоралайсиз. Анзират ахир унинг фарзандлари учун ўзини нобуд қилди дейсиз. Шу ерда бу икки жиҳат параллел



кўйилган. Лекин Норматни ҳам «полвоф» деган номи бор эди-да ахир. Урушдан фахр ва ёруғ юз билан қайтиб келган эди. Хулоса китобхоннинг ўзида. Мен учун Анзират хатоси кечирилмас хато ва охирида Нормат полвон томонидан унинг ўлдирилиши ҳақиқатда асар охирида образнинг реал вазифасини очиб бера олган. Ҳақиқатта яқин реаллик бу.

Фарзанд — икки ўт орасида қолган гўдак Холмат.

«...Мен катта бўлсам милтиқ сотиб оламан»

«Милтиқни нима қиласан?»

«Отамни отаман!!!»

Асар учун эпиграф қилиб танланган бу гаплар жуда ноодатий! Ишонасизми, мен асарни айнан шу эпиграфи учун ўқиганман. Қандай асар эканки, бу фарзанд отасига қурол ўқталишига мажбур бўлган, деб қизиқиб ўқигандим.

Англадимки, ота-она хатоси фарзандларини катта одамга айлантириб қўйган.

Онаси касалланиб қийналиб ётганида ёнида бўлган болага отасининг қилган иши психологик жиҳатдан ёмон таъсир қилганини кўрамиз. Айниқса, Анзиратнинг ўлиmidан кейинги нафрат фарзандни отасига милтиқ ўқталишига сабабчи бўлмоқда.

Уруш — ҳақиқий жанг, катта қийинчилик. Баъзида тинчлик урушида деб юборамиз. Нимага дейсизми? Чунки шукр қилмаймиз. Биз ҳам уруш одамларига ўхшаб қолганмиз. Ҳатто меҳр-мухаббат, ҳурматни ҳам бир-биримиздан қизғонамиз. Шу эмасми, тинч замондаги уруш?..

Бу киссадан ҳақиқатларини англаш мумкин. Барчаси рўй-рост келтирилган. Бутун биздан қутиладиган бирдан-бир маслак бу тинч замонда яшаб уруш одамларига айланиб қолмаслик. Шунинг учун барчамиз урушдан узоқда бўлсак-да, унинг тилсиз томошабилари бўлиб қолишдан ўзимизни асрайлик!

Сабина ҲАБИБУЛЛАЕВА

ГЎЗАЛ АХЛОҚ

ҚАНОТЛАРИНИ КЕСМАНГ!

« Болаларнинг тўполончилиги ҳар бир хонадонда кундалик муаммо бўлса, ажаб эмас. Жажжи фарзандларнинг янги қиймларни бир зумда қир қилиб ташлаши, ораста уйни бирпасда урушдан кейинги бедаподай қилиб ташлаши, айниқса, оила бекаларининг ҳунобини ошириши аниқ. Бундай пайтда ота-она ва катталар қандай йўл тутиши энг мақбул саналади? Бу ҳақда Адҳам Шарқовийнинг қуйидаги мулоҳазалари биз учун ҳам албатта ўринли. »

Тарбия бўйича тажрибага эга олимлар айтишадики, агар сенда ёш фарзандлар бўла туриб, уйнинг доимо тартибли, чиройли ва тоза турса ҳамда ҳамма нарса тамоман ўз жойида турса, демак, сен ёмон ота экансан. Чунки болалар бўлатуриб доимий тартибдаги уй маҳрумликка, каттиққўлликка ёмон бошқарувга далолат қилади. Доимий тартибли уйда болаларнинг болаликлари ўғир-ланяпти, ҳаёллари қамокқа тикиляпти, руҳлар оёқости қилиняпти.

Мен уйда низоми ва қонунлар бўлишига қарши эмасман. Яъни, қонун ва қонунлар ҳукмронлик қилмайдиган кичик жамиятлар ҳам ҳалокатга маҳкумдир! Аммо шуну унутмайликки, қонунлар бизга имконият бериши учундир, уни чеклаш учун эмас.

Менинг қарши бўлган жойим шуки, кўпгина ота-оналар, айниқса оналар уй-рўзгор анжомларининг тартибига жуда ўч бўлишади. Аёлларнинг табиий хилқати эркакларникига қараганда тартибга ўчроқ. Улар наздида уй жиҳозлари алоҳида эъзозланандиган, ҳатто муқаддаслаштирилдиган нарсалар. Аслида

бу жиҳозларни ишлатиш ва манфаат олиш учун сотиб оламиз, муқаддаслаштириш учун эмас. Биз бу тўғрида мўътадил бўлмоғимиз лозим.



Боланинг ўйинга бўлган эҳтиёжи худди дарахтнинг сувга бўлган эҳтиёжига ўхшайди. Ўйин бола учун шунчаки вақт ўтказиш эмас. У ўзини шакллантириш ва оламни кашф қилишдир.

Яқинда қизчам шамоллаб хасталаниб қолди. Мен қизчамнинг кўнгирчоғини кучоғига олиб шундай деяётганини эшитдим:

«Азизим! Сен бемор бўлсанг қорнинг оғрийди, қайт қилгинг келади, аммо қила олмайсан. Совуддан титрайсан, сени қучоқларига олишларини истайсан!»

У шундай деб кўнгирчоғини қучоғига олди.

Фарзандларимиз курси, стол, гулли вазаларимиз, сузратлар ва жойнамозларимиздан муҳимроқдир. Уйнинг қир бўлиши нимани билдиради? Рангли каламларнинг сочилиб ётиши, варақларнинг тартибсиз ётиши нимани англатади?! Фарзандларни уйдаги ҳамма нарсага қўл теккизишдан маҳрум қилишнинг ўрнига улар билан шартнома тузайлик. Улар ўйнаб, ёзиб, чибиб бўлганларидан сўнг нарсаларни йиғиштириб жой-жойига қўйишсин. Ўзлари ёйган нарсаларни саранжомлашни ўрганишсин.

Аслида, сочилиб ётган қалам ва варақлар фарзандларимиз гўдақлик чоғини яшаётганини англатади.

Болалар бўлмаган уй чиройли бўлса-да фэйзсиздир. Фарзанди йўқлар уйни ағдар-тўнтар қилиб обдорса-да фарзандлари бўлишини орзу қилишади. Фарзанди йўқ аёл ҳар соатда битта идиш синдирса-да, қиймларини ҳар дақиқада қир қилса-да боласи бўлишини орзу қилади.

Уларга қонунларни ўргатинг. Уларни тартибга ўргатинг. Аммо уларнинг қанотини кесманг, учаверишин!

«Ким фарзандларини руҳий хасталиклардан сақлашни ва буюқ шахсият эгаси бўлишини истаса, қуйидаги тавсияларга риоя қилсин, иншааллоҳ, яхши натижага эришади», дейди Доктор Али Саллобий ва фарзанд билан алоқани мустақкамлаш дастурини эътиборимизга ҳавола этади:

ФАРЗАНД БИЛАН ҲАР КУНИ...

Фарзанд билан ҳар куни 20 дақиқа дўстона суҳбат (мактабда, ўқиши ҳақида гапирмай ва панд-насиҳатсиз);

Ҳар куни 5-10 марта ота-она ўз фарзандларига меҳр-мухаббат хисларини изҳор қилиш;

Ҳар куни 5 марта фарзанднинг яхши ахлоқи, чиройли амалига мақтов айтиш;

Ҳар куни фарзанднинг ўзини тутиши ва кўринишига мақтов айтиш (табассуми, чиройи, соғлом қадам ташлаши...);

Ҳафтада бир марта фарзанд билан уйдан ташқаридаги машғулоти бирга бажариш (пиёда юриш, спорт билан шугулланиш, автоуловда сайр қилиш...) беш дақиқа бўлса ҳам;

Ҳаёт асосларини болада пайдо қилиш учун уйқудан олдин ҳар куни «Фалон яхши ишни бажарганимда, ўзимни жуда бахтиёр хис қилдим», «Укангга қараганим жуда катта иш», «Фалон келишувимизга амал қилганим мен учун фахр» қабилар орқали ўз ризолигини билдириб туринг;

Ҳафтада бир ёки икки марта оилавий маслаҳат ва суҳбат учун кечки таомни оила давраида танаваул қилинг;

Ҳар куни 1-3 дақиқа болага

гўлик қулоқ солиш, қуйидаги ҳолатда: холи, тинч жойда фарзандга хоҳлаган гапини, чегара ва қайдларисиз гапирини гапирса бериб, қулоқ тутиш;

Тасарруфлар билан фарзандга бўлган мухаббатни изҳор қилиш; бошнинг орқа тарафини силаш — меҳрибонлик ва шафқатни ифода қилади, бошига қўлни қўйиш — фахрианишни ифода қилади, қўлни пешонасига қўйиш — тинчлантиради, қўлини тутиш — ота-бола ўртасидаги алоқани кучайтиради, агар асабий бўлса, қўлини силаш билан тинчлантиринг;

Набий (соллаллоҳу алайҳи васаллам) фарзанд тарбиясида бизга ўрнатқот. У киши Фотима (розияллоҳу анҳо)ни масжидда ёки саҳобалар ҳузуринда пешоналари, қўлларидан ўпар ва бағирларига босар эдилар.

Шу дастурга амал қилиб, фарзандингизга ўз меҳрингизни изҳор қилиш, унинг нақадар улуғ неъмат эканини хис қилдириш орқали ўртангизда кучли бир алоқа вужудга келсинки, у сизнинг ҳузурингизда чиройли ҳулқ эгаси, итоатли, катталарга ҳурмат ва қийматга эизатли ва ота-онасини рози қилдиган ҳақиқий муслим бўлиб улғайсин.

ОШҚОЗОНДАГИ ОҒРИҚ САРАТОНГА ОЛИБ КЕЛИШИ МУМКИН

ёхуд белгиларсиз кечадиган касаллик ҳақида биласизми?

Гастрит — ошқозон шиллик қаватининг яллиғланиши. Гастритда ошқозон ўз вазифасини меъёрида бажара олмайди: таом яхши ҳазм бўлмайди, бу ҳолсизлик ва қувват етишмовчилигига олиб келади. Беморлар кўпинча қорин соҳасида оғриқ ҳис қилишади, шунингдек кўнгил айнаши, қайт қилиш, ич қотиши ва иштаҳа пасайиши кузатилади. Бироқ касаллик деярли белгиларсиз кечиши ҳам мумкин.

Қандай юзага келади?

Статистикага кўра, гастрит белгилари камда ҳар иккинчи одамга таниш. Гастрит ривожланишининг асосий сабаблари:

Тартибсиз овқатланиш. Куруқ туликлар, овқатни тез чайнаш ёки чайнамадан ютиш, ҳаддан ташқари иссиқ, совуқ ва аччиқ таом — буларнинг бари ошқозон деворларига зиён етказиши. Шу билан бирга, шўр таомлар ҳам гастритни келтириб чиқариши мумкин.

Хеликобактер пилори бактерияси. Гастрит ва ошқозон яраси 85 фоиздан ортиқ ҳолатларда айнан шу бактерия сабаб ривожланади. Хеликобактер пилори одамдан одамга аксарият ҳолатларда умумий овқатланиш идишлари орқали ўтади.

Алкогол ва тамаки. Этил спиртининг мунтазам истеъмол қилиш, тамаки чекиш ошқозон шиллик қавати учун зарарлидир. Спиртли ичимликлар қанча ўткир бўлса, уларнинг организмга таъсири шунча жиддий бўлади.

Дори-дармонларни назоратсиз қабул қилиш. Беморларнинг тахминан 20 фоизда касаллик шомоллашга қарши препаратлар, антибиотиклар, инсулин, глюкокортикоид гормонлар ва силга қарши воситаларни узоқ вақт нотўғри истеъмол қилиш туфайли келиб чиқади. Дорихоналарда рецептсиз сотиладиган шу каби дорилар ошқозон шиллик қаватини емиради.

Гижжа инвазияси. Баъзи тадқиқот-

чилар гастритнинг паразитлар билан зарарланишга боғлиқлигини таъкидлашади.

Касаллик келиб чиқишини оддий тушунтириш мумкин. Масалан, қорин очганда меъда шираси ажралади, худди шу вақтда ошқозонга овқат тушмаса, бу шира меъданинг шиллик қаватини (*деворини*) яллиғлантиради. Демак, доимий равишда ўз вақтида овқатланмаслик ёки куруқ таомлар ейиш ва кўпинча оч юриш туфайли асосан ўсмирлар гастритга чалинади. Кўп асабийлашиш, руҳий тушқунлик ҳолатлари ҳам одамнинг овқат ҳазм қилиш тизимига салбий таъсир кўрсатиб, гастритни келтириб чиқаради.

Оқибати хавфли

Гастрит кўпчилик ўйлагандан кўра хавфлироқ хасталиқдир. Сурункали турида меъда шиллик қавати ўзгаради, дард чуқурроқ тўқималарга қиради. Ошқозон яраси гастритнинг энг кенг тарқалган оқибатидир. Аммо унинг пайдо бўлишидан олдин ҳам овқат ҳазм қилиш функцияларининг бузилиши жигар, ошқозон ости беши ва ичак касалликларига олиб келади. Бефарво қаралган гастрит ҳатто ошқозон саратонига олиб келиши мумкин.

Давоси ва профилактикаси

Узоқ муддатли гастрит ошқозонда кислоталикнинг пасайишига олиб келади, бу озиқ-овқат ҳазм бўлишини ёмон-



- Овқатдан олдин қўлларингизни ювинг;
- Бировнинг идишидан овқат еманг;
- Шахсий гигиена воситаларидан фойдаланинг.

Ва албатта, чекиш, спиртли ичимликлар истеъмолдан тийилинг. Ўзбошимчалик билан даволанманг ва тартибли овқатланинг.

Парҳез ёрдам беради

Гастрит давосида парҳезнинг ўрни алоҳида. Бемор оз-оздан тез-тез овқатланиб, кўпроқ гуручли ёки ёрмали бўтқалар, картошка ёки сабзи пюре, буғланган сабзавотли таомлар истеъмол қилиб, ўта ширин ёки нордон бўлмаган мева шарбатлари ичиб юргани маъқул.

Баъзида бемор ярим тунда ичи ачишиб кетаётганидан уйғонса илгаридан тайёрлаб қўйилган бир стакан сут ёки мева шарбатини ичиб ётиши керак.

Маслаҳатимиз: оз-оздан тез-тез овқат еб турилса хазм аъзолари бир маромда ишлайди, меъда шираси фаол равишда ажралади. Янги узилган ширин хўл мева ва сабзавотлар, шунингдек ёнғоқ, туршак ва майиз дастурхонда бўлиши лозим. Қисқа фурсатда тайёрланадиган егуликлар (гамбургер, чизбургер, хот-дог, пицца, лаваш)дан бутунлай воз кечган маъқул.

Камқонлиқнинг олдини олинг. Витаминга бой овқатлар, хусусан қўқатлар, катик, сузмалар темир моддасининг организмга сўрилишини тезлаштиради. Овқатланиш вақтида чой ичманг (*чойни овқатлангандан икки соат кейин ичган маъқул*). Қайнаган сув ёки маъданли газсиз ичимликлар овқатланиш пайтида чой ўрнини босади.

лаштиради — ферментация жараёнлари бошланади, ичак микрофлораси бузилади, натижада озиқ-овқат тўлиқ қайта ишланмайди. Бундай пайтда ошқозон шиллик қаватини тиклайдиган дорилар буюрилади.

Кўпинча гастритнинг ривожланиши беморнинг ёшига боғлиқ. Агар гастрит болалигидан бошланган бўлса ва даволанмаса, 20-30 йил ичида гастрит аллақачон пайдо бўлиши мумкин — овқат ҳазм қилиш бузилганида, бирор нарса қилиш қийин бўлади. Агар бу вақтинчалик ҳодиса бўлса — масалан, талаба организмда гастрит пайдо бўлса, кейинчалик овқатланиш меъёрига тушса, бу тузалиши мумкин.

Гастрит белгилари сизни безовта қилса, аввало шифокорга учрашинг. Касаллик ёки унинг қўзғатувчилари мавжуд ё йўқлигини тез ва аниқ белгилаш жуда муҳим.

Қуйидаги бир неча мураккаб бўлмаган тавсиялар хеликобактер пилори билан зарарланишнинг олдини олишда ёрдам беради:

БИЛАСИЗМИ?

Коронавирус ва оддий шамоллашнинг фарқи нимада?

Саволларга Санитария-эпидемиология назорати Давлат инспекцияси раҳбари Нурмат

Отабеков АОКА ҳузуридаги штабда ўтказилган брифингда жавоб берди.

Блокатор бейжикларнинг ичида оддий кукун борлиги тўғрисида видеороликлар тарқалди. Бу борада керакли ташкилотлар суриштирув ишларини олиб боришимиз, шунингдек, четдан келадиغان блокаторларнинг ичидаги таркиби текшириб бориладими?

— Бейжик ичидаги кортежга жойлаштирилган фаол модда — хлор диоксидини сақлайди. Аммо бу модда кишида аллергия, тошмаларни келтириб чиқариши мумкин.

Мазкур блокаторларнинг коронавирусдан ҳимоя қилишини исботловчи маълумотлар йўқ. Блокатор тақийш ниқоб ва антисептикнинг ўрнини боса олмайди. Четдан кириб келган ҳар бир маҳсулот албатта текширувдан ўтказилганидан сўнг ишлатишга рухсат берилади.


Икки марта коронавирусга тест топширдим, иккаласида ҳам тест натижаси манфий чиқди, лекин ўзимни жуда ёмон ҳис қилишман. Ко-

ронавирус симптомлари бор. Поликлиникага мурожаат қилганимда сизнинг тест натижаларингиз манфий деб мени даволашдан бош тортишяпти, бундай ҳолатда мен қандай йўл тутай?

— Ҳозирги кунда шифохонага ётиш учун коронавирус лаборатория усулида тасдиқланган бўлиши шарт эмас.

Поликлиникаларда ташкил этилган мобил гуруҳлар томонидан ўтказилган тиббий кўрик пайтида касаллик аломатлари кузатилаётган бўлса ва эпидемиолог кўрсатма бўлса, у ҳолда шифохонага ётишингиз учун асос бўла олади.

Ҳозир кўпчиликда худди аввалгидек ўри, шамоллаш, тумов ҳолатлари кузатиляпти, лекин бу ҳолатдан коронавирусни юктириб олингандек шубҳа қилинмоқда. Бу касалликларнинг фарқини қандай билса бўлади?



— Коронавирус ўрта оғирлик ва оғир кечишида касаллиқнинг 5-7 кунда тана ҳарорати 38-39 °C дан ошади, нафас етишмовчилиги, ҳансираш пайдо бўлади.

Оддий шамоллаш ва гриппда эса — аксинча 3-4 кундан кейин бемор аҳволи яхшилана боради. Бундан ташқари коронавирус касаллигини аниқ ташхислаш учун эпидемиологик анамнез, ПЗР текшируви жавоби мусбат бўлиши, кислород сатурацияси 90 фоиздан камайиши, КТ сида характерли «буғли ойна» симптоми кузатилишини инобатга олишимиз керак.

КЎРГАЗМАЛИ САБОК

«Муаллим синфхонага кирди. Шовқин кўтараётган болажонлар бирдан жим бўлишди. Устоз ўрнига жойлашиб, ўқувчилардан:

— Қани, айтинчи, сабр нима? — деб сўради. Билагон ўқувчилар сабр ҳақида ўз фикрларини айтишга киришди. Кимдир сабрни сариқ олтин деди, бошқаси уни жасоратга тенглаштирди.

Уларнинг жавобини тинглаган муаллим: «Яшанлар, тўғри фикрларни айтдингиз. Энди эса менга диққат қилинлар!» деди-да,

ўзи билан олиб келган тувакдаги гулни кўрсатиб, унинг қуриган барглари юлиб ташлади. Ўсимлик бир зумда кўримсиз ҳолга келди. Кейин муаллим ўсимликка сув қуйди ва деди:

— Мана шу ўсимликнинг янги барглари ўсиб чиккунича бўлган давр — сабр! Агар қуриган барглари олиб ташланмаганида, янгиси ўсиб чикмасди. Сабр ҳам шундай, аввал мусибатдек кўринади, кейин эса аста-секинлик билан яхшиликка айланади!

Ўқувчилар устознинг бундай кўргазмали сабоғини қийинчиликсиз тушуниб олишган эди. Энди улар сабр яхшиликлар учун бир восита эканини унутишмайди.

ЖАВОҲИР

Матназар
АБДУЛҲАКИМ

СУБУТ

Ўз дардиндан улғай,
Ўз дардиндан ўс,
Ўзгалар дардидан хино қўймағил.
Сенга бошқа бино қўйса, не чора,
Сен ўзинг ўзинга бино қўймағил.

Ўзингни ҳамроҳ қил йўлга чиққанда,
Нуқсон, фазилатни олмагин қарзга.
Гар ўзиндан кетсанг, барча манзиллар
Бир кун айланазжак Борса келмасга.

ЛАТИФА

Раис ишчиларга мажлис ўтказаяпти:
— Матқовул, сиз яна хайрфан оладиган иш қилдингиз! — дебди ишчилардан бирига.
Жим ўтирган бошқа бир ишчи чайдай олмай ўрнидан туриб рассга дебди:
— Раис тога, нега ҳадеб шу Матқовулга бир нарсалар бераверасиз?! Бизда-ям бола-чақа бор! Бизсиз бирор марта беринг-да ўша хайрфанонан. Биз ҳам олайлик!..

ИНТЕЛЛЕКТ

БИР ҲЎКИЗ ТЕРИСИГА СИҚҚАН АСИРЛАР

Пахлавон Маҳмуд Ҳиндистонга борганида ҳукмдорнинг ботқоққа ботиб қолган филини даст кўтариб чиқариб қўяди. Бундан кўрган ҳукмдор унинг куч-қувватига қойил қолиб, полвоннинг истаган тилагини бажаришини билдиради. Полвон асир қилиб олинган ватандошларининг озод этилишини сўрайди. Ҳукмдор бир Ҳўкиз терисига сиғадиغان одамни озод қилишини билдиради. Эртаси кун ваъда бажарилади. Пахлавон Маҳмуд асирларнинг ҳаммасини бир Ҳўкиз терисига сиғдиради. Савол: Пахлавон Маҳмуд бунга қандай эришган?

Жавоблар келгуси ҳафтанинг сешанба кун соат 15:00 гача қабул қилинади.

Электрон манзил: info@od-press.uz
Telegram: (+99893) 518-08-57

Газетамизнинг 2020 йил 23 июль 27-сонига берилган саволнинг жавоби: Эгиз тугадиган эчкиларнинг қулоғи катта бўлар экан.

ПАЗАНДАЛИК

Товуқ гўшtidан антиқа таом

«Товуқ гўшти, бақлажон ва пишлоқ уйғунлашуви жуда мазали таъми ҳосил қилади. Помидорли қайла эса ушбу таом серсув ва хушхўр бўлишини таъминлайди.

Масалликлар: 3 та товуқ филеси, 1 дона бақлажон, ажратиб, тўғрибурчак шаклда тўғраймиз ва ковуриладиган рамиз. Помидорни пўстлоғидан ажратиб, тўғрибурчак шаклда тўғраймиз ва ковуриладиган рамиз. Помидорни пўстлоғидан ажратиб, тўғраймиз ва ковуриладиган рамиз. Помидорни пўстлоғидан ажратиб, тўғраймиз ва ковуриладиган рамиз. Помидорни пўстлоғидан ажратиб, тўғраймиз ва ковуриладиган рамиз.

Тайёрланиши: Аввал помидорли қайла тайёрлаймиз. Идишга 50 мл. ўсимлик ёғи қуйиб, майдаланган пиёз-ни соламиз ва юмшагунича ковураимиз. Майдаланган саримсоқпиёз солиб, аралашти-



оловда 7-10 дақиқа қайнатамиз. Қўл блендерда помидорли қайлани яхшилаб, аралашти-раимиз. Бақлажонларни ювиб, қалин бўлакларга бўламиз. Туз-лаб, куруқ грил товасида кову-риб оламиз. Товуқ филесини ор-тиқча сужлардан ажратиб, туз ва мурч сепаимиз. Ўсимлик ёғини суртиб, икки тарафла-ма гриль товасида ковураимиз. Тоблатма учун мўлжалланган қолипга бақлажонларни жой-лаштирамиз. Помидорли қай-ланинг ярмини солиб, усти-дан товуқ гўштини қўямиз. Устидан яна қайлани қуйиб, устига паррақларга бўлинган ёки қирғичнинг йирик тиши-дан ўтказилган пишлокни соламиз. 180 даражада қизди-рилган газ печида 20-25 дақиқа қизаргунича пишириб оламиз. Ёқимли иштаҳа!

ИЖТИМОЙ ТАРМОҚЛАР ОРАЛАБ...



Mubashshir Ahmad

16 ч. • 0

МАҒЛУБИЯТ — ҚАЛБДАГИ ЗАИФЛИК ИФОДАСИ

«Мўғуллар мусулмон дийрларини босиб олган пайтларда, уларнинг ўта шафқатсиз ва қудратли жангчилар экани ҳақида ваҳима ҳамма ёқни босиб кетади.

Шайх Абул Ҳасан Надавийнинг айтишларича, босқин қилаётган қўшиндан бирортасини кўчасида кўриб қолишса, ваҳиманинг қаттиқлигидан, бир неча мусулмон бир кишига таслим бўлиб, унинг сўйиши осон бўлиши истагида, ерга ётиб беришар экан.

Уларни енгиб бўлмайдиган тушунча бутун ислом оламини эгаллаб олган. Лекин Аллоҳнинг хоҳиши ила шундай шавкатли қўшин ҳам синган.

Нима демокчиман? Биз ҳам коронавирусдан мўғуллардан кўриб қолган аждодларимиздек ваҳимага тушиб қолганмиз. Тўғри, вирус хатарли. Лекин Аллоҳнинг хоҳиши ва инояти ундан-да, кучли ва қудратли! Бир қўлимизда карантин ко-нун-қондаларига қатъий риоя қилишни ушлаб, иккинчисида Аллоҳга иймонимизни маҳкам тутайлик.

Бу эътиборсизлик ё масъулиятсизликка чорлов эмас, балки иймон ва амалга чақирик. Ўртадаги фарқни ажратиб олайлик. Қалбимиздан кўрқув ва ваҳимани чиқариб ташлаб, вирусларни ҳам яратган Зотга суянайлик ва бу иймондан қувват олайлик.

Зеро, мағлубият душман кучидан эмас, қалбдаги заифликдан келади.

Мен ҳам энди лентадаги ва бошқа каналлардан келган хабарларни ўқимайман. Коронавирус ҳақида яхши маълумотга эга бўлдим, шунга амал қилиб яшайман.

Мубашшир АҲМАД



Anvar Namozov

29 мин. • 0

КЎРҚУВ, УМИД, ИЛТИЖО

«COVID... Ким учундир касаллик, кимлар учундир протокол. Кўпчилик ваҳима, йўқотилган ҳаловат, ўлим, айрилиқ; баъзилар учун эса энг катта ёлғон, ортидан мўмай даромад.

Айримларга тавба-тазарру; кимларгадир дам олиш, ижод, имкон. Ғийбат, физик-фасод қилаётган, бир-бирига тош отаётганлар қанча! Баъзилар учун эътикод мустаҳкамлиги, ибн Сино, таобат ёди, бир оғир синов...

Бир йил олдин шу гаплар бормиди? Қўчалар хувиллаганми? Одамлар оммавий тарзда ниқоб тақиб юрармиди, бир-бири билан сўрашишдан чўчирмиди? Кўпчилик ўз уйида шунча узок вақт ўтирганими ҳеч?

Демак, бир йилда, бир ойда, бир кун, бир соғияда ҳаммаси ўзгариб кетиши мумкин. Жон омонатлиги теран идрок этилмоқда. Ҳаёт нақадар ширин.

Ижтимоий тармоқларга қирасан — таъзияхона! Остона хатлаб чиқмоқчимсан, ҳеч бир қароғай йўқ — одамлар хавфли. Уйда ўтир, кутгин. Абдулла Орипов мисраси ёдга тушади: «Бир қадам қўйсанг, нарғи ўлим...»

Барибир... барибир умид қилинг. Ўзингизни бир юмуш, эрмак билан чалгитинг. Хавотир, ҳадиқни хушвақтлик билан алмаштиринг. Дуолар ўқинг, илтижо қилинг.

Ризқни Худойим етказди, бировга кўп, бировга камроқ. Яшамокчимсиз, умид қилинг, табассумни унутманг. Кўзгуга 15 соғия самимий кулиб қаранг, кайфиятиңиз кўтарилади...

Икки инсон дераздан боқадди, бири юлдузларни, иккинчиси кўлмакни кўради...

Анвар НАМОЗОВ

OILA
DAVRASIDA
Mubashshir Ahmad — yurt tayanchi
[itlimoy-siyosiy, ma'naviy-ma'rifiy gazeta]

«Оила даврасида» газетаси тахририяти масъулияти чекланган жамияти

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси Кенгаши;
Ўзбекистон ёшлар иттифоқи марказий кенгаши;
«Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси;
«Ўзбекистон почтаси» акциядорлик жамияти;
«Матбуот тарқатуви» акциядорлик компанияси;
Акциядорлик тижорат «Адоқабан».

Газетада интернет материаллардан ҳам фойдаланилган.
Газета 2012 йил 20 апрелда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0814-рақам билан рўйхатга олинган.
«Шарқ» наприйет-матбаа акциядорлик компанияси босмоқсонда чоп этилди.
Босмоқсон манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Тўроғ кўчаси, 41.

Бош муҳаррир

Хусниддин
БЕРДИЕВ

Тахририят манзили:

Тошкент шаҳри, 100000. Амир Темуր 1-тор кўчаси, 2-уй.
Тел/факс: 234-83-45. E-mail: info@od-press.uz

Газета тахририят компьютерида терилди ва саҳифаланган.

Буортма: Г-737
ISSN 2181-6190

Обуна индекси — 193

Адаби: 1 652 нуسخа

Нарх: келишув босқичи.

Кўнгиз бичими А-3, ҳақми 2 босма табок.

Оффсет усулида босилган.

Чоп этишга топширилди: 17:00

ISSN 2181-6190



4 772383 619005

1234 6